



HISTORIOGRAPHY OF THE HISTORY OF EXCHANGE INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN

Anvar Allayarovich Khidirov

Independent Researcher

Karshi State University

E-mail: a.khidirov@mail.ru

ScienceID: FQD-6724-0225

Karshi, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: exchange, exchange institutions, historiography, market economy, stock exchange, commodity exchange, exchange activities, market infrastructure, economic relations, years of independence, history of Uzbekistan, exchange system.

Received: 04.09.26

Accepted: 05.09.26

Published: 06.09.26

Abstract: The article analyzes the history of the formation and development of exchange institutions in Uzbekistan, their role in the system of economic relations, and the coverage of these processes in historiography. Based on historical sources and scholarly literature, the study examines the emergence of exchange institutions, the development of market infrastructure, and the formation of the institutional foundations of exchange activities during the years of independence. In addition, the main research directions, approaches, and scholarly findings related to the subject are analyzed, and current issues in studying the history of exchange institutions in Uzbekistan are identified.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРЖА ИНСТИТУТЛАРИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Анвар Аллаёрович Хидиров

Қариш давлат университети мустақил тадқиқотчиси

a.khidirov@mail.ru

Илмий идентификация рақами: FQD-6724-0225

Қариш, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: биржа, биржа **Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда институтлари, тарихшунослик, бозор биржа институтларининг шаклланиши ва

иктисодиёти, фонд биржаси, товар биржаси, биржа фаолияти, бозор инфратузилмаси, иқтисодий муносабатлар, мустақиллик йиллари, Ўзбекистон тарихи, биржа тизими.

ривожланиши тарихи, уларнинг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳамда ушбу жараёнларнинг тарихшуносликда ёритилиши таҳлил қилинган. Биржа институтларининг вужудга келиши, бозор инфратузилмасининг ривожланиши, мустақиллик йилларида биржа фаолиятининг институционал асосларини шакллантириш жараёнлари тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, мавзуга оид тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, ёндашувлари ва илмий натижалари таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда биржа институтлари тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари аниқланган.

ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ БИРЖЕВЫХ ИНСТИТУТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Анвар Аллаярович Хидиров

Независимый исследователь

Каришинского государственного университета

E-mail: a.khidirov@mail.ru

Научный идентификационный номер: FQD-6724-0225

Кариши, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: биржа, биржевые институты, историография, рыночная экономика, фондовая биржа, товарная биржа, биржевая деятельность, рыночная инфраструктура, экономические отношения, годы независимости, история Узбекистана, биржевая система.

Аннотация: В статье анализируются история становления и развития биржевых институтов в Узбекистане, их место в системе экономических отношений, а также освещение данных процессов в историографии. На основе исторических источников и научной литературы исследованы возникновение биржевых институтов, развитие рыночной инфраструктуры и процессы формирования институциональных основ биржевой деятельности в годы независимости. Кроме того, проанализированы основные направления, подходы и научные результаты исследований по данной теме, определены актуальные вопросы изучения истории биржевых институтов в Узбекистане.

Қириш. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганишда биржа институтларининг вужудга келиши, институционал жиҳатдан такомиллашиши ҳамда иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрнини тадқиқ этиш муҳим

илмий аҳамиятга эга. Биржалар бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми сифатида талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, товарлар, қимматли қоғозлар ва бошқа активларнинг бозор баҳосини шакллантириш, хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ташкил этишда муҳим вазифаларни бажаради. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда биржа институтларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш мамлакатда амалга оширилган иқтисодий трансформация жараёнларининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш имконини беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор муносабатларига ўтиш жараёни янги иқтисодий институтларни шакллантириш заруратини юзага келтирди. Мулкчилик муносабатларининг ўзгариши, хусусий секторнинг пайдо бўлиши, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши, товар ва молия бозорларининг шаклланиши биржа институтларини ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини яратишни тақозо қилди. Натижада товар-хом ашё, фонд ва бошқа йўналишлардаги биржа механизмлари бозор инфратузилмасининг муҳим институтларидан бири сифатида шаклланиб борди.

Бироқ биржа институтларининг тарихи фақат уларнинг ташкил этилган санаси, ҳуқуқий мақоми ёки иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш билан чекланмайди. Ушбу жараённинг тарихшунослигини тадқиқ қилиш турли даврларда яратилган илмий ишлар, иқтисодий ва тарихий адабиётларда биржа тизимининг қандай талқин қилинганини, тадқиқотчилар қайси масалаларга устувор аҳамият берганини ҳамда мавзунинг қайси жиҳатлари етарлича ўрганилмаганини аниқлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда биржа институтлари тарихининг тарихшунослигини ўрганиш бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тарихий нуқтаи назардан баҳолаш, биржа тизимига бағишланган тадқиқотларни даврлаштириш ва улардаги илмий ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш учун муҳимдир. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистонда биржа институтларининг шаклланиши ва ривожланишига бағишланган илмий адабиётларни тизимлаштириш, уларнинг асосий йўналишлари ва методологик ёндашувларини таҳлил қилиш ҳамда мавжуд тарихшуносликдаги илмий муаммоларни аниқлашдан иборат.

Асосий қисм. Жаҳон иқтисодиётида бозор инфратузилмаси институтлари, хусусан, биржаларнинг ривожланиши мамлакатлар тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Товар, хомашё ва қимматли қоғозлар биржалари эркин бозор муносабатларининг шаклланишида, нархларнинг очик ва шаффоф тарзда ташкил

топишида, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг тартибга солинишида ҳамда инвестиция оқимларининг жалб этилишида марказий ўрин тутди. Шу боис дунёнинг етакчи давлатларида биржа институтларининг тарихий тараққиёти, уларнинг миллий иқтисодиёт ривожига қўшган ҳиссаси бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ривожланган мамлакатларда биржа инфратузилмаси нафақат товар ва қимматли қоғозлар айланмасини тартибга солувчи институт, балки миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминловчи, инвестиция муҳитини шакллантирувчи ва рақобатбардош бозор муносабатларини ривожлантирувчи стратегик аҳамиятга эга тузилма сифатида эътироф этилади.

Биржа тушунчаси инсоният иқтисодий тараққиётида бозор муносабатларининг юқори босқичини ифодаловчи институт сифатида шаклланган. Унинг атамаси голландча “беурс” ва немисча “Бурсе” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, дастлаб савдогарлар тўпланадиган жой, яъни “ҳамён” маъносини англатган. Тарихий жиҳатдан қаралганда, биржаларнинг пайдо бўлиши ўрта асрлар охирида Европада товар-пул муносабатларининг кенгайиши, савдо алоқаларининг мураккаблашуви ва бозорни ташкил этишнинг янги шаклларига эҳтиёж туғилиши билан бевосита боғлиқдир.

Биржа иқтисодий бўғин сифатида турли бозор тоифаларини қамраб олган ҳолда ривожланиб борди. Жумладан, маҳсулот биржалари оммавий истеъмол молларини (дон, пахта, металл ва бошқалар) меъёрлаштирилган шартлар асосида сотишга ихтисослашган бўлса, фонд биржалари қимматли қоғозлар айланмасига хизмат қилди. Шунингдек, валюта ва меҳнат биржалари шаклланиб, улар орқали пул бозори ва ишчи кучи бозорини тартибга солиш тизимлари юзага келди. Бу жараёнлар бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг мукаммаллашувида муҳим босқич сифатида намоён бўлди.

Биржаларнинг тузилмавий шаклланиши ҳам тарихий тараққиёт давомида шаклланган. Аксар ҳолларда улар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган бўлиб, бошқарув биржа қўмитаси орқали амалга оширилган. Биржа фаолиятида котировка комиссиялари нархларни шакллантириш ва ахборотларни тарқатишда муҳим ўрин тутган. Биржа иштирокчилари – брокерлар, дилерлар ва трейдерлар – бозор тизимларининг амал қилишини таъминловчи асосий субъектлар сифатида намоён бўлган.

Тарихий нуқтаи назардан, биржаларда амалга оширилган амалиётлар келгуси иқтисодий жараёнларни олдиндан белгилаш имконини берган. Айниқса, муддатли келишувлар (одатда 6 ойлик) орқали нархлар динамикасига таъсир кўрсатиш, хавф кутилмаларни тақсимлаш ва фойда олиш тизимлари шаклланган. Биржа котировкалари

эса бозордаги талаб ва таклиф мувозанатини акс эттирувчи муҳим ахборот манбаи сифатида мунтазам равишда эълон қилиниб борилган.

Демак, дастлаб биржалар фақат мавжуд маҳсулотлар савдосига ихтисослашган бўлган. Бунда ўзига хос хусусият биржа савдолари доимийлик, белгиланган ва аниқ қоидалар асосида ташкил этилган. Биржаларнинг дастлабки пайтлардаги вазифаси экспортчи, импортчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларни бир-бирига боғлаш бўлган. Географик жиҳатдан биржалар асосан халқаро савдо портларига яқин жойларда шаклланган. Саноат инқилоби даврида эса янги ишлаб чиқариш кучларининг ортиши биржа савдолари ҳажми ва маҳсулот турларининг кўпайишига хизмат қилган. Аҳоли сони кўпайиши ҳам ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортишига, бу эса биржа тизимини такомиллашувига олиб келди. Қолаверса биржалар савдо ва иқтисодга оид ахборот ва таҳлил марказларига айланиб борди. Кейинчалик эса товар биржалари халқаро савдо марказлари сифатида ривожланиб борди.

Ўзбекистонда биржа институтлари тарихининг тарихшунослигини шартли равишда бир неча босқич ва илмий йўналишларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунда совет давридаги иқтисодий адабиётлар, мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган ишлар ва бозор институтларининг фаолияти барқарорлашган кейинги давр тадқиқотлари ўртасида мазмун ва методология жиҳатидан муайян фарқлар мавжудлиги кузатилади.

Совет даврида биржа муносабатларига бағишланган тадқиқотлар чекланган хусусиятга эга эди. Бунинг асосий сабаби режали иқтисодиёт шароитида классик бозор институтларининг иқтисодий тизимдаги ўрни чекланганлиги билан боғлиқ. Биржа институти кўпроқ капиталистик иқтисодиётга хос механизм сифатида баҳоланиб, унинг бозорда нарх шакллантириш, ресурсларни тақсимлаш ва талаб ҳамда таклифни мувофиқлаштиришдаги вазифалари социалистик иқтисодиёт нуқтаи назаридан талқин қилинган. Шу сабабли мазкур давр адабиётларидан Ўзбекистонда кейинчалик шаклланган биржа тизимининг бевосита тарихини ўрганишда эмас, балки илмий қарашларнинг эволюциясини аниқлашда тарихшунослик манбаси сифатида фойдаланиш муҳимдир.

Мустақилликдан кейинги дастлабки босқичда биржа институтларига муносабат тубдан ўзгарди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш янги иқтисодий муносабатлар ва институтларни шакллантиришни тақозо этди. Натижада 1990-йиллардан бошлаб биржаларнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилиши, товар ва молия бозорларидаги вазифаларига бағишланган илмий ва амалий адабиётлар пайдо бўлди. Бу давр тадқиқотларида биржалар, энг аввало, бозор инфратузилмасининг янги элементи сифатида ўрганилди.

Мазкур босқичдаги илмий адабиётларнинг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг катта қисми иқтисодий ва ҳуқуқий йўналишда амалга оширилган. Иқтисодчилар биржаларнинг талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, бозор нархларини шакллантириш, товар айирбошлаш жараёнини тезлаштириш ва ҳўжалик субъектларига бозор ахборотини етказишдаги вазифаларини тадқиқ этган бўлсалар, ҳуқуқшунослар биржа битимлари, иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақоми ва биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратдилар.

Биржа институтлари тарихшунослигида товар-хом ашё биржалари алоҳида тадқиқот йўналишини ташкил этади. Товар биржалари бозор муносабатларининг дастлабки босқичларида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқаларни шакллантириш, товарларни реализация қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда бозор нархларининг шаклланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Шу сабабли уларга бағишланган тадқиқотларда савдо механизмлари, аукцион ва биржа савдолари, рақобат муҳити ҳамда нарх шаклланиши каби масалалар устувор ўрин эгаллаган.

Иккинчи йирик йўналиш фонд бозори ва фонд биржаси тарихига бағишланган тадқиқотлардан иборат. Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциядорлик муносабатларининг шаклланиши қимматли қоғозлар бозори институтларини ривожлантириш заруратини юзага келтирди. Шу муносабат билан илмий адабиётларда акциялар, облигациялар, инвестиция воситалари, фонд биржаси фаолияти ва инвесторлар ҳуқуқларини таъминлаш каби масалалар тадқиқ қилинди. Бу йўналишдаги адабиётлар Ўзбекистонда молиявий бозор институтларининг қарор топиш жараёнини ўрганиш учун муҳим манба вазифасини бажаради.

Биржа институтлари тарихшунослигининг яна бир муҳим хусусияти — меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг илмий тадқиқотларда асосий манбалардан бири сифатида қўлланилишидир. Биржа фаолиятига оид қонунлар, Президент ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари ва тегишли давлат органларининг меъёрий ҳужжатлари соҳанинг институционал тараққиётини даврлаштириш имконини беради. Чунки қонунчиликдаги ҳар бир муҳим ўзгариш биржаларнинг ташкилий тузилиши, вазифалари, иштирокчилари ва иқтисодиётдаги мавқеига таъсир кўрсатган.

Демак биржа бу бозор тузилмасининг муҳим бўғини ҳисобланиб, унда қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситалар нархларини шакллантириш, улар ҳақидаги ахборотни улашиш ҳамда бозор муносабатлари иштирокчилари ўртасида шаффоф савдо муносабатларини таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

Бутун дунёда фаолият соҳаларига кўра биржалар бир нечта турларга бўлинади.

1. Фонд биржаси – акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар савдоси амалга ошириладиган бозор.
2. Товар биржаси — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, металллар, энергетика ресурслари ва бошқа товарлар билан савдо қилинадиган биржа.
3. Валюта биржаси — миллий ва хорижий валюталар олди-сотдиси амалга ошириладиган бозор.
4. Фьючерс ва деривативлар биржаси — фьючерс, опцион ва бошқа ҳосилавий молиявий инструментлар савдоси учун мўлжалланган биржа.
5. Биржа инвестиция фондлари бозори — биржада эркин муомалада бўладиган инвестиция фондлари улушлари билан савдо қилинадиган бозор.

Умуман олганда биржалар замонавий иқтисодиётнинг муҳим таркибий бўғини ҳисобланиб, маблағларнинг самарали тақсимланиши, сармояларни жалб қилиш ва бозорларда нархларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра биржа аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотик ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхонадир.

Шунингдек, Ўзбекистонда биржалар ихтисослашувига қараб бир нечта турларга бўлинади. Булар товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихтисослаштирилган биржалар, фонд биржалари, валюта биржалари, товар-фонд биржалари, интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотик қилувчи биржалар, аралаш биржалар бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда биржалар ва биржа савдолари тарихини ёритишда бир қанча тарихий манбалардан фойдаланилди. Мазкур манбаларни мазмуни, келиб чиқиши, тадқиқотда бажарадиган вазифасидан келиб чиқиб 3 та гуруҳга бўлиш мумкин. Булар асосан биржа савдоларининг шаклланиши ва ривожлантирилишида муҳим саналган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон миллий архивидаги тарихий ҳужжатлар, расмий ҳужжатлар ва статистик маълумотлар, шунингдек, илмий адабиётлар ва даврий матбуот маълумотлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда биржа институтлари тарихининг тарихшунослиги мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганини кўрсатади. Мавзуга оид илмий адабиётлар, тадқиқотлар ва манбалар таҳлили биржа институтларининг ташкил топиши, ҳуқуқий-институционал асосларининг яратилиши, товар-хомашё ва фонд биржалари фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳамда уларнинг иқтисодий жараёнлардаги ўрни турли нуктаи назарлар асосида ўрганилганини

кўрсатади. Шу билан бирга, биржа институтларининг шаклланиш жараёнини тарихий-қийосий ва тизимли ёндашув асосида тадқиқ этиш, мавжуд тарихшуносликдаги илмий ёндашувларни умумлаштириш ҳамда ҳали етарлича ўрганилмаган жиҳатларни аниқлаш Ўзбекистонда бозор ислохотлари тарихини янада чуқурроқ ёритиш имконини беради.

Хулоса. Ўзбекистонда биржа институтлари тарихининг тарихшунослигини таҳлил қилиш мазкур масала мустақилликдан кейин иқтисодий ва ҳуқуқий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланганини кўрсатади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида товар-хом ашё ва фонд бозори институтларининг шаклланиши тадқиқотчилар эътиборини жалб этди ва натижада биржа фаолиятининг назарий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда амалий жиҳатларига бағишланган илмий адабиётлар шаклланди.

Тарихшунослик таҳлили мавжуд тадқиқотларда асосан биржаларнинг иқтисодий вазифалари, ҳуқуқий асослари, савдо механизмлари, қимматли қоғозлар бозори ва давлат томонидан тартибга солиш масалалари устувор бўлганини кўрсатади. Бироқ биржа институтларининг шаклланиши ва трансформациясини яхлит тарихий жараён сифатида тадқиқ этиш, уни босқичларга ажратиш ҳамда ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга бағишланган махсус тарихий изланишларни кенгайтириш зарур.

Шунингдек, биржа институтлари тарихини мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, хусусийлаштириш, тадбиркорликнинг ривожланиши, молия бозорининг шаклланиши ва иқтисодиётнинг рақамлашуви билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув биржа институтларини алоҳида иқтисодий ташкилот сифатида эмас, балки Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва модернизациясини акс эттирувчи муҳим институционал механизм сифатида баҳолаш имконини беради.

Келгусида архив материаллари, статистик маълумотлар, биржаларнинг ҳисоботлари, қонунчилик ҳужжатлари ва даврий матбуот материалларини илмий муомалага кенг жалб этиш, шунингдек, миллий тажрибани хорижий давлатлардаги биржа институтларининг тарихий ривожланиши билан қийосий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу Ўзбекистонда биржа институтлари тарихининг тарихшунослигини янги манбалар ва методологик ёндашувлар асосида бойитиш ҳамда соҳанинг иқтисодий тарихдаги ўрнини янада чуқурроқ очиқ беришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Jonker J. Stock Exchange Price Currents, Financial Information and Market Transparency: An Introduction // “Financial History Review” журнаלי. 2022 йил. 29-жилд, 2-сони. P. 271–273.
2. Биржа // “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. 1-жилд. Тошкент. 2000 йил. 367–368-бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил 2 июль (lex.uz/docs/-108831).
4. Чжен В.А. Приватизация асослари. Тошкент: “Шарқ”, 1995. 135-бет.
5. <https://www.world-exchanges.org/about/exchanges/what-exchange>.